

## ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҒАЛАБАНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА: ФРОНТ ОРТИДАГИ БУЮК МАТОНАТ

Азимов Ҳ.И. -  
ТДЮУ профессори

*Фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 81 йиллигига, ота-боболаримизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратига, шунингдек, 9- май Хотира ва қадрлаш кунига бағишланади.*

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар Германиясини енгиш ва ғалабани кўлга киритишда халқимиз салмоқли ҳисса кўшди. Юртдошларимизнинг фронт ортида кўрсатган буюк матонати тарих саҳифаларидан муносиб жой олди. Зеро, бу буюк ғалабада собиқ Иттифоқнинг барча халқлари қатори Ўзбекистон халқининг ҳам тенг муносиб ҳиссаси бор. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 9 май куни Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганларидек: **”Оловли уруш йилларида бутун Ўзбекистон халқи “Ҳамма нарса – фронт учун”, “Ҳамма нарса – Ғалаба учун!” деган ҳаётий эътиқод билан яшади. Мамлакатимиз фронт ортидаги мустаҳкам таъминот базасига айланди. Ўзбекистон халқи жанг майдонларига катта миқдорда қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб берди. Кўпмиллатли аҳолимизнинг фидокорона меҳнати билан республикамиздаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилди ва ғоят қисқа фурсатда ишга туширилди. Минг-минглаб уруш қатнашчилари мамлакатимизда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволаниб шифо топдилар”. Ўзбекистонликлар фашизмга қарши жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб қолмай, балки фронт ортида ҳам фидойиларча меҳнат қилиб, фронтни узлуксиз равишда керакли ашёлар билан таъминладилар. Эзгуликни ҳаёт мазмуни деб билган халқимизнинг мададкор эшелонлари фронтга узлуксиз равишда жўнатиб турилди.**

Республикамизга фронт чизигидан кўчириб келтирилган саноат корхоналарини жойлаштириш, уларни қийин бир шароитда тезда ишга тушириш, эвакуация қилинган аҳолига ғамхўрлик кўрсатиш, ярадор жангчиларга ёрдам бериш, фронт учун қурол-яроғ, кийим-кечак, озиқ-овқат тайёрлаш ва етказиб бериш, янги қисмларни тузиб фронтга сафарбар этиш, жангчиларнинг оиласига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, қисқаси, фронт учун, ғалаба учун нимаики керак бўлса, ўзбекистонликлар барча ишни амалга оширдилар. Фронт орти ҳам жанггоҳ каби жасорат майдонига айланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушининг ғалаба билан яқунланиши учун бор имкониятларини ишга солди. Фронт учун зарур бўлган ўқ-дори, ҳарбий техника ва бошқа анжомлар етказиб беришда тинимсиз меҳнат қилди. Уруш даврининг энг мураккаб вазифаларидан бири иқтисодиётни ҳарбий изга солиш эди. Фронт яқинидаги ҳудудлардан кўчирилаётган аҳоли, саноат корхоналари, ўқув юртлари ва бошқаларнинг кўплари Ўзбекистонга юборилди. Кўчириб келтирилган корхоналарни қабул қилиш ва жойлаштириш ҳамда бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 1941 йил 25 августда Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитасининг биринчи котиби У.Юсупов раҳбарлигида махсус комиссия тузилди.[6, Б.136] Бу ишларни ташкил этишда, унга раҳбарлик қилишда Й.Охунбобоев, А.Абдурахмонов, В.А.Бильбас, Е.Ортиқбоев ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди.

Тошкентга Москвадан Чкалов номли авиасозлик (1941 йил ноябрда), “Электрокабель”, “Подъёмник”, “Красный путь” заводлари, Ленинграддан “Вулқон” заводи цехи, тўқимачилик ва машинасозлик заводлари (1941 йил августда), Ростовдан “Россельмаш” заводи (1941 йил кузида), Харьковдан Аркон заводи (1941 йил октябрда) (шу

завод асосида Тошкент “Кинап” йигурув тикув фабрикаси вужудга келди) ва бошқа шаҳарлардан кўплаб завод ва корхоналар кўчириб келтирилди. Барпо этилаётган корхоналарнинг кўплари тўлиқ жиҳозланмасдан мажбурий суръатда тезкорлик билан ишга туширилиб, фронт учун маҳсулот бера бошлаган эди.

Республикага кўчириб келтирилган саноат корхоналарида ишлаш ва фронт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида меҳнатга лаёқатли аҳолидан ўсмирлар, нафақахўрлар, аёлларни сафарбар этиш ҳисобига ишчи-хизматчилар сони оширилди. Бу ҳақда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси бўлиб ишлаган Ф.М.Мухаметшиннинг уруш йилларида юртдошларимизнинг фронт ва фронт ортидаги жасорати тўғрисида айтган фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир: “Ғалаба учун ўзбек халқининг фарзандлари катта ҳисса қўшди. Улар жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Республика ғалабани иқтисодий жиҳатдан таъминлашда ҳам иштирок этди. Саноатнинг асосий қисми қурол ва ҳарбий техника ишлаб чиқаришга ўтказилди. Завод ва фабрика, шахта ва электр станциялар жамоаси туну-кун узлуксиз ишлади, минглаб аёллар эркакларга хос бўлган соҳани эгаллаб, фронтга кетган эркаклар ўрнида юксак фаолият кўрсатдилар”. [8]

1941 йилнинг ноябрь ойи бошларида Ўзбекистонга Ростовдан эвакуация қилинган “Россельмаш” заводи бир ҳафтадан кейин миномёт снарядларини ишлаб чиқара бошлади. Ушбу заводнинг қурол-аслаҳалар, “катюша” ва миномёт снарядлари ишлаб чиқариш режаларининг бажарилиши қатъий назоратда бўлиб, 1941 йил 18-28 декабрда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва КП(б) МҚ томонидан қабул қилинган қарорда ўз аксини топган эди. Қабул қилинган қарорлар ҳар қандай шароитда ҳам қатъий бажарилиши зарур эди.

Ҳар бир хонадонга ёпирилиб кирган уруш қабоҳати одамларни оғир синовларга, маҳрумликлар ва азоб-уқубатларга мубтало қилди. Шаҳарда ишчилар ва хизматчиларга кунига 400-500 граммдан, қарамоғи остидагиларига эса 300 граммдан нон бериш белгиланган эди. Амалда эса белгиланган меъёрдан кам олишар эди. [11] Меъёрланган тақсимот кишлоқ аҳолисига татбиқ этилмади. Натижада кишлоқ аҳолиси уруш йилларида оғир аҳволда яшади. Ўзбекистон деҳқонлари қийинчиликларга қарамасдан, фидокорона меҳнат қилдилар. Уруш йилларида республика деҳқонлари фронт эҳтиёжлари учун 4 млн. 148 минг т. пахта, 82 млн. пуд ғалла, 54067 т. пилла, 195 минг т. шоли, 57 минг 444 т. мева, 36 минг т. қуритилган мева, 159 минг 300 т. гўшт, 22 минг 300 т. жун ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб берди. Республикаимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ушбу тадбирни амалга ошириш борасида фаол иштирок этдилар. [12, Б. 89-91]

Ўзбекистоннинг фронтга бу каби кенг миқёсда кўрсатган иқтисодий ёрдами шундан далолат берадики, республикаимиз уруш йилларида фронтни ўқ-дори, қурол-аслаҳа билангина эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам таъминловчи масканга айланган эди. Албатта, бунинг ортида халқимизнинг оғир меҳнати ётарди. Аммо, халқимиз шуни билардики, армиянинг – ҳарбийларнинг иқтисодий жиҳатдан тўқ бўлиши ғалабани таъминловчи омиллардан биридир. Бир сўз билан айтганда, халқимиз уруш йилларида фронтни фронт орти билан мустаҳкамлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшди.

1943 йилда Тошкент шаҳар меҳнаткашлари фронтга ҳарбий-техника билан ёрдам кўрсатиш мақсадида ўзларининг шахсий жамғармаларидан танк колоннаси, жанговар самолётлар эскадрильяси қуриш учун 34 миллион 210 минг сўм ажратдилар. Умуман, уруш йиллари мобайнида Ўзбекистон меҳнаткашлари мудофаа фондига жами 649,9 млн сўм миқдорида маблағ ва 22 кг олтин ва кумуш (заргарлик буюмлари) топшириб, ғалаба учун катта ҳисса қўшдилар. [17, Б.217]

Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушининг ғалаба билан яқунланиши учун бор имкониятларини ишга солди. Фронт учун зарур бўлган ўқ-дори, ҳарбий техника ва бошқа анжомлар етказиб беришда тинимсиз меҳнат қилди. Натижада Ўзбекистон 1941-1945 йиллардаги уруш давомида фронтга 2100 та самолёт, 17342 та авиамотор, 2138 минг дона авиабомба, 17100 та минамиёт, 4500 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи қурол, 60

мингга яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 млн дона мина ва 560 минг дона снаряд, 1 млн дона граната, дала радиостанциялари учун 3 млн радиолампа, қарийб 300 мингта парашют, 5 та бронепоезд, 18 та ҳарбий-санитария ва ҳаммом кир ювиш поезда, 2200 та кўчма ошхона ва бошқа кўпгина ҳарбий анжомлар етказиб берди.[18, Б.444-445]

Булар ўзбек халқининг оғир ва тинимсиз меҳнати, кўз қорачиғидек яхши кунлари учун асраб-авайлаб сақлаган маблағлари эвазига юзага келган эди. Уруш республикамиз иқтисодиётига, аҳолининг ижтимоий аҳволига жиддий таъсир кўрсатди. Уруш қабоҳати ҳар бир хонадонга бало-қазодек ёпирилиб кирди. Фронтлардан келиб турган қора хатлар ҳеч бир хонадонни четлаб ўтмади. Жанг майдонларида қаҳрамонона ҳалок бўлган фарзандлари ҳақида келиб турган қора хатлар оналар юрагини ларзага солди. Ўз жигар гўшаларини йўқотиши, ундан жудо бўлиши халқимиз бошига янада мусибатли кунларни солди. Аммо, матонатли, иродали халқимиз ҳар қандай синовларга бардош берди. Ўзлигини йўқотмади. Сабр – бардошли бўлди. Шу тарика уруш халқимизни оғир синовлардан ўтказди. Дарҳақиқат халқимизнинг фронт ортидаги матонати тарих зарварақларидан муносиб ўрин эгаллади ва мангуликка дахлдор бўлиб қолди. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 9 май куни Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганларидек: “Ҳаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруғ дунёда улуг бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни, **Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамisha барҳаёт яшайди**”.[5]

Ғалаба фронт орти ишларининг мустаҳкам асосда ташкил этилиши ва машаққатли меҳнатнинг натижаси бўлди. Ўзбекистонликларнинг мураккаб, фавқулудда ҳолатда янада мустаҳкам жипслашуви натижасида қисқа муддатда барча моддий ва маънавий кучлар душманга қарши сафарбар этилди. Республикамиз ҳаракатдаги қуролли кучларни қурол-аслаҳа, ўқ-дори,кийим-кечак, озик-овқат билан таъминловчи мустаҳкам ҳарбий базалардан бирига айланди. Фронтни фронт орти билан мустаҳкамлашга бор имкониятларини сафарбар этди. Шундай экан, ғалаба ҳам ҳамманики бўлди. Фашизм устидан қозонилган ғалаба барча тинчликпарвар кучлар ғалабаси эди. Ёвуз кучларнинг эзгулик олдида таслим бўлиши ўз аҳамияти жиҳатидан кишилик тараққиётини ҳалокатдан сақлаб қолди. Дарҳақиқат, бу ғалаба инсониятни олға одимлашига йўл очиб берган оламшумул тарихий воқеа бўлди. Ушбу қўлга киритилган ғалаба фашизмга қарши курашда иштирок этган барча халқлар қаторида Ўзбекистон халқининг ҳам ғалабаси эди. Зеро, инсониятни фашизм зулмат балосидан қутқариб қолишда Ўзбекистон халқи ҳам муносиб, тенг, ҳисса қўшди. Шу маънода олиб қаралганда ўша суронли йиллар тарихимизни атрофлича ўргансак, Ўзбекистон халқининг ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини янада теранроқ англаймиз. Дарҳақиқат, Хотира ва кадрлаш халқимизга хос бўлган азалий қадриятларимиздан бўлиб ҳисобланади. Тинчликни кадрлаш уни доимо кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланмоғи керак.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 9 май куни Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи” 2020 йил 10 май.
2. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 23 октябрда, “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2018 йил 10 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2019 йил 10 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2021 йил 10 май.
6. Усмонов Қ., Содиков М. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). – Т., 2002. – Б.136.
7. Каримов Ш. Ғалабага қўшилган ҳисса. – Т., 1990. – Б.19.
8. Труд. 28 апреля – 4 мая 2005 года.

9. Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (1941–1945 йй.) – Т., “Фан”.1996. – Б.364–365.
10. Фронт ҳақиқати, 1945 йил 16 март.
11. Қизил Ўзбекистон. 1946 йил 16 январь.
12. Султонов Н. Сурхондарё уруш йилларида. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”. Т., “Фан”. 1995 № 4. Б. 89-91.
13. ЎзР. ПДА. 58-фонд , 18-рўйхат, 177-йиғма жилд, 114-116-варақлар.
14. Қизил Ўзбекистон. 1946 йил 4 март.
15. Постановление №164 СНК УзССР и ЦК КП(б) Узбекистана от 27–28 января 1942 года “Об организации сбора юбилейных подарков к дню 24-й годовщины Красной армии”. //ЎзР МДА, 837-жамғарма, 32-рўйхат, 3263-йиғма жилд, 72-варақ.
16. ЎзР МДА, 837-жамғарма, 32-рўйхат, 2767-йиғма жилд, 2-варақ.
17. Қишлоқ ҳақиқати. 1994 йил 6 май.
18. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). Т., 1985. Т. 3. – с. 217.
19. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., Шарқ. 2000. –Б. 444-445.

#### РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада халқимизнинг фашизмга қарши жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб қолмай, балки фронт ортида ҳам фидойиларча меҳнат қилиб, фронтни узлуксиз равишда керакли ашёлар билан таъминлаганликлари ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган.

**Калитли сўзлар:** фронт, фронт орти, эвакуация, ҳарбий техника, авиасозлик заводи.

#### РЕЗЮМЕ:

В этой статье рассказывается, как наш народ проявил героизм не только на фронтах в борьбе с фашизмом, но и самоотверженно работал за фронтом и обеспечивал фронт необходимыми запасами.

**Ключевые слова:** Фронт, за фронтом, эвакуация, авиационный завод.

#### RESUME:

This article describes how our people not only showed heroism in the fight against fascism, but also selflessly worked behind the front and provided the front with the necessary supplies.

**Keywords:** Front, behind the front, evacuation, Aviation Plant.